



ХАЛҚ БАНКИ

Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улғу ва энг азиз байрамимиз – Истиқлолнинг 25 йиллигига тобора яқинлаштирмоқда. Мамлакатимизда тарихан қисқа даврда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилди. Тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар натижасида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остидаги миллий маҳсулотларимиз хорижга экспорт қилинмоқда. Бунда, албатта, юртимизда фаолият кўрсатаётган молия муассасалари қатори Халқ банкнинг ҳам ўрни беқиёс.

Мустақиллик йилларида Халқ банки ҳам мунгазам равишда «Standard & Poor's» Халқаро рейтинг агентлигининг ижобий баҳосига сазовор бўлди. Банк ана шундай эътирофларга ҳамоҳанг равишда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш, янги иш ўринларини яратиш, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш борасида кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛЎР

Бугунги кунда бозор иқтисодиётининг муҳим талаби – кам меҳнат сарфлаган ҳолда, кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш ва шу асосда фойда олишдан иборат. Бу борада ишлаб чиқариш жараёнидаги асосий ҳаракатлантирувчи куч – тадбиркорлардир. Масалан, Халқ банки томонидан жорий йилнинг 1-ярим йиллигида кичик бизнес вакилларининг 4 минг 492 та лойиҳасига 637,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 147,8 миллиард сўмга ошиб, 130,2 фоизга ўстанидан далолат беради. Натижада мазкур соҳада 4 минг 125 та янги иш ўрини яратилди.

Айтиш жоизки, юртимизда тадбиркорликнинг кўплаб турлари билан шуғулланиш имконияти мавжуд ва буни банкдан олинаётган кредитлар миқдоридан ҳам кўриш мумкин. Бугун кредит олишнинг тартиб-қоидалари соддалаштирилиб, бу йўлдаги ғовларга қонуний йўл билан барҳам берилгани, айниқса, соҳа тараққиётида муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, Халқ банки томонидан жорий йилда 3 минг 254 нафар тадбиркорга 250,7 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилгани ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130,9 фоизга ўстани банк ва мижоз ўртасидаги ишончнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан даража беради.

— Мана, бир неча йилдирки жамиятимиз қатор корхона ва ташкилотларга юкларни ташиниш бўйича хизматлар кўрсатиб келмоқда, — дейди Тош-

ЎЗАРО ИШОНЧ

одамлар ҳаёти фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади

кент шаҳар Миробод туманидаги «Logistic trans line» МЧЖ раҳбари А.Хатамов. — Фаолиятимизни кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда мижозларга кўрсатадиган хизмат турларини кўпайтириш мақсадида айланма маблағларни тўлдирish учун Халқ банкдан кредит олдик. Айни кезда нафақат Тошкент шаҳридаги, балки Фарғона, Андижон, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Хоразм вилоятларидаги мижозларга ҳам кўрсатаётган хизматларимиз кенгайди. Келгусида иш ҳажминини янада оширишга замин яратилди.

Айтиш лозимки, банк томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга жами 141,2 миллиард сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга жами 136,8 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 141,7 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилгани амалга оширилаётган ишларнинг салоҳияти юқорилигидан далолат беради.

— Бугун тадбиркорлик қилман деган одамга ҳамма йўллар очилди, — дейди Ангрён шаҳрида истиқомат қилувчи яқка тартибдаги тадбиркор Нигора Халдибекова. — Айниқса, ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижасида аёлларимизнинг ишбилармонлик фаоллиги охиб бораётганини кўришимиз мумкин. Мен ҳам ана шундай тадбиркор аёллардан бириман. 2016 йилда айланма маблағларни тўлдирish мақсадида Халқ банкдан кредит олдим. Ҳозирда ушбу маблағ эвазига аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб келаяпман. Ҳозирча 2 нафар кишини иш билан таъминладим. Бу ҳали бошланғич. Халқимизга арзон ва қулай нархларда хизмат кўрсатиб, фаолиятимни кенгайтириб боришни ният қилганман.

Банк ҳам ана шундай тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил якунига қадар қўшимча 700 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратишни режалаштирган. Бир сўз билан айтганда, жорий йилнинг 1 ярим йиллиги давомида корхона ва ташкилотларга кредитлар ажратиш орқали 17 минг 228 та янги иш ўринлари яратилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ

Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Халқ банки томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, улар банк хизматларидан кенг фойдаланишлари учун барча шароитларнинг яратилишига катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг кредит олиши ва ўз бизнесини йўлга қўйиши учун қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ярим йилида банк томонидан 1 минг 416 нафар тадбиркор аёлга 79,2 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилгани ҳам юқоридаги фикрнинг ёрқин ифодасидир. Ушбу кредитлар ҳисобида 886 та янги иш ўрни ташкил этилган. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 818 та лойиҳага 32,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

— Мен «Амангелди-Ақсингил» оилавий корхонаси раҳбариман, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида истиқомат қилувчи мижоз Кулимжай Бекбаев. — Шу йил Халқ банкнинг Чимбой филиалидан қорамол сотиб олиш учун кредит олдим. Ҳозирда

ушбу кредит эвазига бир қанча қорамол ва уларни озиқлантириш учун омухта ем сотиб олдик. Оила аъзоларим менга яқин кўмакчи. Маҳалламиздаги тўрт нафар йигит-қизни ҳам иш билан таъминладим. Кредит олганимга кўп вақт бўлмаса-да, яхшигина даромадга эришдик. Кредитимни тўлиқ қайтариб, келажакда Халқ банкнинг кўмагида корхонамизни янада кенгайтириш ниятидаман

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ — БЎЛАЖАК ТАДБИРКОР

Маълумки, мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар

ёт ва сервис касб-хунар коллежини тамомладим, — дейди Хоразм вилояти Гурлан туманида яшовчи яқка тартибдаги тадбиркор Нафиса Хўжаева. — Ўз бизнесимни йўлга қўйиш мақсадида Халқ банкнинг Гурлан шаҳар филиалига мурожаат қилдим. Банк менга лойиҳамда кўрсатилган нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун керак бўладиган ускуна ва дастоҳларни, шу билан бирга, хомашё сотиб олиш мақсадида кредит ажратиб берди. Мен ушбу корхонамни ишга тушириш орқали халқимиз дидига ва эҳтиёжига мос маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштирганман. Ўз тенгдошларимни иш билан таъминлаб, келгусида катта-катта лойиҳаларни амалга оширмоқчиман.

ЭҲТИЁЖЛАРГА МОС КРЕДИТЛАР

Истеъмом кредитлари ҳақида гап кетганида шундай фикр билдириш мумкин. Бундай кредитлар, албатта, жисмоний шахсларга республикамизда ишлаб чиқарилган ва кундалик



тайёрлаш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар беради. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банк томонидан касб-хунар коллежларининг 832 нафар битирувчисига 19,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 900 га яқин янги иш ўрини яратилди. Шунинг унутмаслигимиз керакки, ўз фаолиятини йўлга қўйган тадбиркор бир нечта иш ўрни яратди. Бу эса қанчадан-қанча оилаларнинг дастурхонига тўқинчилик, қутбаракда олиб киради.

— Мен шу йили Гурлан туманидаги Ижтимоий-иқтисоди-

эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш учун берилади. Ҳар бир оила кундалик турмушимизда фойдаланиладиган маиший техника воситалари, турли хил мебеллар жиҳозларига эҳтиёж сезади. Бундай техника ва жиҳозларни сотиб олиш учун йиллаб маблағ жамғаришга тўғри келади. Халқ банкнинг истеъмом кредитларидан фойдаланиш эса уларга ҳар томонлама қулай бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида банк 7 минг 280 нафар фуқарога 40,2 миллиард сўм истеъмом кредитлари ажратди. Бунинг натижасида қанча-қанча хонадонлар янада обод бўлди, қанча рўзгорлар будланди, қулай турмуш шароитлари яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, банк филиаллари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, банк мижозларига хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга қаратилган. Бу эса ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кегириши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Банк ахборот хизмати.